



بِسْمِ اللّٰهِ الرَّحْمٰنِ الرَّحِیْمِ

أَحْمَدُ لِلّٰهِ الَّذِي قَالَ: "وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ"، وَالصَّلَاةُ وَالسَّلَامُ عَلَى مُحَمَّدٍ الَّذِي قَالَ: "إِنَّمَا النِّسَاءُ شَقَائِقُ الرِّجَالِ"،
وَعَلَى آلِهِ وَصَحْبِهِ وَمَنْ تَبِعَهُمْ بِإِحْسَانٍ إِلَى يَوْمِ الدِّينِ، أَمَّا بَعْدُ

ЖАННАТ – ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДА

Муҳтарам жамоат! Маълумки, муқаддас динимиз оналаримизни эъзозлашга уларга ҳамиша меҳрибон, ширинсўз, хокисор бўлишга ва хизматларида доимо шай туришга буюрган. Чунки, фарзандини тўққиз ой қорнида авайлаб кўтариб юриш, ҳомиладорликнинг қийинчиликларига бардош бериш, туғиш чоғидаги машаққатлар, туққанидан сўнг икки-уч йилгача кўлидан кўймай ардоқлаб парваришlash, боласи учун бир тунни бир неча бўлакка бўлиб оромдан кечиш, ҳатто улғайиб, уйли-жойли бўлиб кетганида ҳам меҳрини, шафқатини, марҳаматини аямаслик фақат оналаргагина хос буюк фазилятдир. Аллоҳ таоло ҳам Қуръони каримни бир неча жойларида биз бандаларни Ўзининг ибодатига амр қилиб, унинг изидан ота-онага яхшилик қилишга буюриб, хоссатан онанинг баъзи бир меҳнат ва машаққатларини ҳам баён қилган. Масалан, Қуръони каримнинг Аҳқоф сурасида Аллоҳ таоло шундай марҳамат қилади:

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ إِحْسَانًا حَمَلَتْهُ أُمُّهُ كُرْهًا وَوَضَعَتْهُ كُرْهًا (سورة الأحقاف/15 آية).

яъни: **“Биз инсонни ота-онасига яхшилик қилишга буюрдик. Онаси уни (қорнида) қийналиб кўтариб юрган ва уни қийналиб туққандир”** (Аҳқоф сураси 15-оят). Бошқа ояти каримада эса Аллоҳ таоло бундай деган:

وَوَصَّيْنَا الْإِنْسَانَ بِوَالِدَيْهِ حَمَلَتْهُ أُمُّهُ وَهْنًا عَلَى وَهْنٍ (سورة لقمان/14 آية).

яъни: **“Биз инсонга ота-онасини (рози қилишга) буюрдик. Онаси уни заифлик устига заифлик билан (қорнида) кўтариб юрди”** (Луқмон сураси 14-оят).

Ушбу ояти карималарда айнан онанинг меҳнатлари зикр қилинишини тафсир қилиб, Имом Мутаваллий Шаъровий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар: *“Аслида, бола тарбиясида ота-онанинг алоҳида меҳнатлари бор. Лекин, Қуръонда айнан онанинг машаққатлари зикр қилинмоқда. Сабаби, бола эсини таниши билан отанинг меҳнат ва хизматларини кўриб улғаяди. Отанинг рўзгор тебратиши, фарзандга керак бўлган кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа эҳтиёжлар билан таъминлаётганини гувоҳи бўлади. Аммо онанинг энг оғир машаққатлари бўлмиши ҳомиладорлик қийинчиликлари, дунёга келтириши азоблари, гўдаклик давридаги кечаларидаги безовталиқ каби заҳматлар фарзанд ақлини таниганида ўтиб кетган бўлади. Фарзанд буларнинг бирортасини эслай олмайди. Шу сабабли ҳам оятларда алоҳида онанинг машаққатлари эслатилмоқда”*.

Шунинг учун ҳам Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси шарифда бундай дейилган:

جَاءَ رَجُلٌ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: "يَا رَسُولَ اللَّهِ مَنْ أَحَقُّ النَّاسِ بِحُسْنِ صُحْبَتِي؟" قَالَ: "أُمُّكَ" قَالَ: "أَنْتُمْ مَنْ؟" قَالَ: "أُمُّكَ" قَالَ "أَنْتُمْ مَنْ؟" قَالَ: "أَبُوكَ" (مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ)

яъни: Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурига бир киши келиб: “Эй, Аллоҳнинг Расули! Одамлар ичида менинг чиройли муомаламга энг ҳақли киши ким?” – деб сўради. “**Онангиз**”, – дедилар У Зот. “*Кейин ким?*”, – деб сўради. “(яна) **Онангиз**”, – дедилар У Зот. “*Кейин ким?*”, – деб сўради. “(учинчи мартада ҳам) **Онангиз**”, – дедилар У Зот. “*Ундан кейин ким*”, – деб сўради. Шунда “**Онангиз**”, – деб жавоб бердилар (Муттафақун алайҳ).

Она зотини фарзандига ўта меҳрибонлиги ҳақида Оиша разияллоҳу анҳо онамиздан ривоят қилинган ҳадисда шундай дейилган:

جاءتني مسكينةٌ تحملُ إِبْنَتَيْنِ لَهَا، فَأَطْعَمْتُهَا ثَلَاثَ تَمْرَاتٍ، فَأَعْطَتْ كُلَّ وَاحِدَةٍ مِنْهُمَا تَمْرَةً وَرَفَعَتْ إِلَى فِيهَا تَمْرَةً لَهَا كَلْهًا، فَاسْتَطْعَمْتُهَا إِبْنَتَاهَا، فَشَقَّتْ التَّمْرَةَ الَّتِي كَانَتْ تُرِيدُ أَنْ تَأْكُلَهَا بَيْنَهُمَا، فَأَعْجَبَنِي شَأْنُهَا، فَذَكَرْتُ الَّذِي صَنَعَتْ لِرَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: "إِنَّ اللَّهَ قَدْ أَوْجَبَ لَهَا بِهَا الْجَنَّةَ، أَوْ أَعْتَقَهَا بِهَا مِنَ النَّارِ" (رواه الإمام مسلم عن عائشة رضي الله عنها).

яъни: “Ҳузуримга бир камбагал аёл икки қизини кўтариб келди. Шунда унга учта хурмо бердим. У ҳар бир қизига биттадан хурмо берди. Бир дона хурмони ўзи емоқчи бўлиб, оғзига кўтарганда, қизлари уни ҳам беришини сўрашди. У ўзи емоқчи бўлган хурмони иккига бўлиб, қизларига берди. Унинг бу иши мени ҳайрон қолдирди. Унинг қилганини Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи васалламга айтганимда, У Зот: “**Бу сабабли Аллоҳ унга жаннатни вожиб қилди ёки уни дўзахдан озод қилди**”, – дедилар” (Имом Муслим ривоятлари).

Демак, фарзандларини дунёга келтириш, кейин боқиб катта қилишда бемисл матонат ва фидоийлик кўрсатувчи оналаримизнинг ҳурматларини жойига қўйиб, хизматларини қилиб, назарларини топиб, дуоларини олиш фарзанднинг энг муҳим бурчларидан ҳисобланади.

Бир куни Муовия ибн Жоҳима разияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб, шундай дедилар:

يَا رَسُولَ اللَّهِ أَرَدْتُ أَنْ أَعْرُؤَ، وَقَدْ جِئْتُ أَسْتَشِيرُكَ؟ فَقَالَ: "هَلْ لَكَ أُمٌّ؟" قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: "فَأَلْزَمِهَا فَإِنَّ الْجَنَّةَ تَحْتَ رِجْلِهَا" (رواه الإمام النسائي والإمام الحاكم عن معاوية بن جهمه رضي الله عنه).

яъни: “Эй Аллоҳнинг расули! Мен ғазотга бормоқчи эдим, маслаҳатингизни олиш учун келдим. Шунда Расулulloҳ: “**Онангиз борми?**”, – дедилар. У киши: “Ҳа”, – деди. Пайғамбаримиз: “**Онангизнинг хизматларини ганимат билинг, чунки жаннат унинг оёғи остидадир!**” – дедилар (Имом Насай ва Имом Ҳоким ривоятлари).

Демак, онанинг розилиги ва унинг хизмати Пайғамбар алайҳиссалом билан ғазотда қатнашишдан ҳам юқори мартабада турар экан.

Ибни Ҳажар Асқалоний раҳматуллоҳи алайҳ ўзларининг “Ал-исоба” номли китобларида шундай деганлар: “Оналарни ҳурмат ва эҳтиром қилиш, уларга ғамхўр ва меҳрибон бўлиш, уларни олдиларидаги фарзандлик бурчини адо қилиш биз умматларга Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламдан меросдир.

Маълумки, Расулуллоҳ гўдаклик пайтларида оналари оламдан ўтганлар, бироқ У Зотни эмизган Ҳалима онамиз Пайғамбаримизни хузурларига келганларида ўрниларидан туриб, кийиб турган муборак ридоларини Ҳалима онамизга тўшаб, устига ўтқизар эдилар.

Меҳрибон оналаримизга қанча хизмат қилсак ҳам уларни ҳақларини адо қила олмаймиз. Бу ҳақда қуйидаги ривоят келтирилган:

أَنَّ رَجُلًا كَانَ بِالطَّوَّافِ حَامِلًا أُمَّهُ يَطُوفُ بِهَا فَسَأَلَ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ هَلْ أَدَيْتُ حَقَّهَا؟

قَالَ: "لَا وَلَا بِزَفْرَةٍ وَاحِدَةٍ!" (رواه الإمام البزار).

яъни: Бир киши онасини елкасида кўтариб Байтуллоҳни тавоф қилдирад эди. Тавофни тугатгач: “Онамнинг мендаги ҳаққини адо этдимми?” деб сўради. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Йўқ, сен тўлғоқ азобидаги бир марта оҳ уришининг ҳаққини ҳам адо этолмадинг”** – дедилар (Имом Баззор ривоятлари).

Онага яхшилик қилиш, кишининг тавбаси қабул бўлишига ҳам сабаб бўлади. Бу ҳақда бундай ҳадиси шариф келтирилган:

عَنِ ابْنِ عُمَرَ، أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ، إِنِّي أَصَبْتُ ذَنْبًا عَظِيمًا فَهَلْ لِي تَوْبَةٌ؟

قَالَ: هَلْ لَكَ مِنْ أُمِّ؟ قَالَ: لَا، قَالَ: هَلْ لَكَ مِنْ خَالَةٍ؟ قَالَ: نَعَمْ، قَالَ: "فَبَرِّهَا" (رواه الإمام الترمذي).

яъни: Бир киши қайғуга ботиб, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам хузурларига борди ва: “Эй Расулуллоҳ! Мен катта гуноҳ қилиб қўйдим, менинг тавбам қабул бўлармикин?” – деди. Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам: **“Онанинг борми?”** – дедилар. У “Йўқ”, – деди. Расулуллоҳ: **“Холанинг борми?”** – деб сўрадилар. “Ҳа” – деб жавоб берди. Расулуллоҳ: **“Ундай бўлса, холанингизга яхшилик қилинг”**, – деб марҳамат қилдилар (Имом Термизий ривоятлари).

Онага хизмат қилиш дуо ижобат бўлишига сабабдир. Бу ҳақда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам шундай марҳамат қилганлар:

إِنَّ خَيْرَ التَّابِعِينَ رَجُلٌ يُقَالُ لَهُ: أُوَيْسٌ، وَلَهُ وَالِدَةٌ، وَكَانَ بِهِ بَيَاضٌ، فَمُرُوهُ فَلْيَسْتَغْفِرْ لَكُمْ

(رواه الإمام مسلم عن عمر بن الخطاب رضي الله عنه).

яъни: **“Албатта, тобеъинлардан энг яхшиси Увайс бўлиб, унинг бир онаси бор. Увайсни (қўлида тангачалик) оқлиги бўлиб, (у доимо онасининг хизматидадир) (Сизлардан ким унга йўлиқса), у зотдан илтимос қилинлар, сизларнинг ҳаққингизга истиғфор айтсин (дуо қилсин)!”** (Имом Муслим ривоятлари).

Шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, ота-оналар кексайиб, ночор қолишганда уларнинг емоқ-ичмоқлари, кийим-кечаклари ва турар жой каби моддий таъминотлари фарзандларнинг зиммасига фарз бўлади. Буни ҳар бир фарзанд доимо ёдда сақлаши керак.

Ким ота-онаси бўла туриб, жаннатни қўлдан чиқарса, унинг ҳолига вой бўлади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом бу ҳақда шундай деганлар:

"رَغِمَ أَنْفٌ رَغِمَ أَنْفٌ رَجُلٍ أَدْرَكَ وَالِدَيْهِ أَحَدَهُمَا أَوْ كِلَيْهِمَا عِنْدَهُ الْكَبِيرُ لَمْ يَدْخُلْهُ الْجَنَّةَ"

(رَوَاهُ الْإِمَامُ مُسْلِمٌ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: **“Ота-онасининг ҳар иккиси ёки бирортаси унинг хузурида қариликка етсаю, (уларнинг хизматларини қилиб, розилиklarини олиб) жаннатга кира**

олмаган киши хор бўлсин, хор бўлсин, хор бўлсин!” (Имом Муслим ривоятлари).

Афсуски, ҳозирги кунда баъзи фарзандлар ота-оналарининг қадрига етмасдан, уларни қариялар уйига олиб бориб қўймоқдалар. Бу бизни динимизга, урф-одатларимизга мутлақо зиддир.

Шундай экан, Аллоҳ таоло барчамизга ота-оналаримизнинг хизматларини қилиш, дуоларини олиш ва улар сабабли икки дунё саодатига мушарраф бўлиш бахтини насиб айласин!

Ҳурматли азизлар! Урфимизда ҳурматли ва қадри баланд нарсаларга “она” сўзини қўшиб айтиш жорий бўлган. Масалан, “Она ватан”, “Она тили”, “Она тупроқ”, “Она юрт” кабиларни бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Мана шундан ҳам онанинг нақадар улуғ зот эканлиги маълум бўлади. Шунингдек, Юртимизда ҳам аёлларни эъзозлаш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, кўп болали аёлларни ижтимоий ҳимоя қилиниши, ҳар йили 8-мартни халқаро хотин қизлар куни сифатида дам олиш куни деб, эълон қилингани ва ҳукуматимиз томонидан ўтказилаётган қатор тадбирларнинг барчасида аёлларимизга алоҳида имтиёзлар берилаётгани уларга бўлган юксак эҳтиромнинг бир намунаси.

Ҳурматли азизлар! Маърузамизнинг фикҳий масалалар қисмида ғуслга боғлиқ баъзи ҳукмлар ҳақида суҳбатлашамиз. “Ғусл” арабча сўз бўлиб, “ювмоқ” маъносини англатади. Аллоҳ таоло “Моида” сурасининг 6-оятида шундай марҳамат қилади:

وَإِنْ كُنْتُمْ جُنُبًا فَاطَّهَّرُوا (سورة المائدة / 6 آية).

яъни: **“Агар жунуб бўлсангиз, обдон покланингиз (чўмилингиз)!”**

Қуйидаги ҳолларда ғусл қилиш вожиб бўлади: 1) Эр-хотинлик алоқасидан кейин. 2) Эҳтиломдан кейин; 3) Аёлларда ҳайз ёки нифос қонининг тўхтаганидан кейин.

Ғуслда учта фарз бор: 1) Оғиз ювиш. 2) Бурун чайиш. 3) Баданнинг ҳамма жойига сув етказиш.

Ғусл қилмоқчи бўлган одам, қуйидаги тартибга амал қилиши суннат: аввало қўлини ювади, кейин аврати ва баданидаги нажосатларни кеткизади, мукамал таҳорат қилади, сўнгра баданининг ҳамма жойига уч марта сув етказиб ювади, оёғи остида сув тўпланадиган бўлса, сувдан чиқиб, оёғини ювади (“Ҳидоя”, “Ал-Ихтиёр”). Ғуслда ният қилиш суннат ҳисобланади.

Ҳурматли жамоат! Маълумки, куни кеча 3-5 март кунлари Самарқанд шаҳрида “Имом Абу Мансур Мотуридий ва мотуридия таълимоти: ўтмиш ва бугун” мавзусида халқаро конференция ўтказилди. Биз эътиборингизни қаратмоқчи бўлган нуқта шуки, конференцияда Мотуридия таълимоти “ўтмиш ва бугун” мавзуси танланган. Хўш, ўтмиш билан бугунни боғлайдиган нарса нима, улар ўртасидаги ўхшашлик қандай намоён бўлади?! Ислом тарихидан маълумки, 3-4 ҳижрий асрлардан турли эътиқодий тоифалар ривожланиб, мусулмон умматини тафриқага сола бошлади. “Сен кофир”, “сен мунофиқ” каби даъволар кўпайгандан кўпайди. Шу даврда Имом Мотуридий ва Имом Ашъарий чиқиб Аҳли сунна вал жамоа эътиқодини баён қилиб, халққа тушунтирдилар, керакли ўринларда раддиялар бердилар, адашганларни тўғри йўлга қайтардилар. Уларнинг ислом умматига қилган энг катта хизмати, ислом умматини яна қайтадан жамлаш,

аҳли сунна вал жамоа эътиқоди атрофида бирлаштириш бўлди. Бугунги кунимизда ҳам ўтмишдаги каби ислом умматида бўлиниш, фирқаланиш ўзгани куфр ва нифоқда айбланиш борган сари кўпайиб бормоқда. Ўтмишда улуғ боболаримиз қилгани каби ҳар биримиз умматни бирлаштириш, иттифоқ қилиш ҳаракатида бўлайлик. Бунинг учун Имом Мотуридий ва Имом Ашъарий тутган йўлга бирлашиб, бир-биримизга бағрикенглик қилиб, "Ла илаҳа иллаллоҳ, Муҳаммадур расулуллоҳ", деган кишиларни тек кўяйлик, уларни куфр, нифоқ ва ширк билан айбламайлик. Аллоҳ таоло барчамизга бу йўлда тавфиқ берсин.

Азизлар! Хабарингиз бор айни кунларда дунёнинг баъзи давлатларида коронавирус инфекцияси тарқалмоқда. Гарчи, Юртимизда бу касаллик кузатилмаган бўлса-да **Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги** томонидан бу касалликдан сақланиш учун кўйидагиларга амал қилиш тавсия қилинган:

- Чет элга боришни режалаштиришда эпидемик вазият бўйича тўлиқ маълумотлардан хабардор бўлиш;
- Коронавирус инфекцияси тарқалган мамлакатларга бормаслик;
- Шахсий гигиена қоидаларига мунтазам қатъий равишда риоя қилиш, айниқса овқатланишдан олдин, кўчадан уйга кирганда қўлларни совунлаб ювиш;
- Турли-хил таомларни, айниқса, гўшт маҳсулотлари ишлатилган овқатларни тўлиқ пишириб истеъмол қилиш;
- Иситма, йўтал ва нафас қисиши ҳолатлари пайдо бўлганда, дарҳол шифокорларга мурожаат қилиш.

Аллоҳ таоло барча мўмин-мусулмонларни, жумладан юртимиз аҳолисини турли бало-офатлардан, касалликлардан Ўз паноҳида асрасин!

Мўътабар онахонларимизни кадрларига етиш, вафот этганларининг руҳларини шод этишни барчамизга насиб айласин! Омин!

Муҳтарам имом-домла! Келгуси жума маърузаси **“НИКОҲ – МУҚАДДАС РИШТА”** мавзусида бўлади.